

Ақийда дарслари (117-дарс). Йўқдан бор бўлиш далили



13:00 / 18.01.2021 3749

Бир ўйлаб кўринг, одам ўзини ўзи ярата оладими? Йўқ, ярата олмайди ҳам. Нафақат ўзини, балки ўзидаги бирор тукни ҳам йўқдан бор қила олмайди.

Шунингдек, одам ўз фарзандини ҳам яратган эмас ва ярата олмайди ҳам. Нафақат фарзандини, балки фарзандидаги бирорта тукни ҳам йўқдан бор қила олмайди.

Одам боласи ўзи устида яшаб турган ерни яратган эмас ва ярата олмайди ҳам. Шунингдек, инсон осмонни ҳам яратган эмас ва ярата олмайди ҳам. Осмон ва ер орасидаги сон-саноксиз нарсалардан бирортасини ҳам яратган эмас ва ярата олмайди ҳам.

Одам боласи мазкур нарсаларнинг Аллоҳ таолодан бошқа яратувчиси борлигини исботлаб бера олмайди ҳам.

Демак, Аллоҳ таолодан бошқа холиқ йўқлигини тан олишдан, Аллоҳ таолонинг борлигини тан олишдан бошқа илож йўқ. Бу ҳақиқатни Қуръони Карим ажойиб услуб ила баён этган.

Аллоҳ таоло Тур сурасида қуйидагиларни айтади:

﴿نُوقِلْ لَأُولَىٰ مِمَّا عَشَرَ رِيَغْ نَمِ أُوْقِلْ لِمَا﴾

«Ёки улар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралганларми?! Ёки улар яратувчиларми?» (35-оят).

Даҳрий ва худосизларга қарата воқеъликдан келиб чиқиб берилган соддагина ушбу саволни тафаккур билан мулоҳаза қилган шахс иймонга келмай иложи йўқ. Савол оддий: «Сен ўз-ўзингдан яралганмисан?»

«Ёки улар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралганларми?!»

Яъни инсон шундай, ўз-ўзидан дунёга келиб қолганми? Албатта, ундай эмас. Бўлмаса, ўзларини ўзлари яратганми?

«Ёки улар яратувчиларми?»

Албатта, йўқ. Айтинг-чи, сизни ким яратди бўлмаса?!

Келаси оят даҳрийларга ўзидан бошқа энг яқин, ҳар лаҳзада мулоқотда бўлиб турадиган осмону ер ҳақида ҳам ўйлаб кўришни таклиф қилади.

﴿نُونُ قُوِيْ اَلْ لَبِّ مَنْ رَاَلْ اَوْ تَاوَا مَّسَلَا اَوْ قَلَّخَ مَآ﴾

«Ёки улар осмонлару ерни яратганларми?! Йўқ, улар аниқ ишонмаслар» (36-оят).

Осмонларни, инсон ҳозиргача ададини аниқ билмайдиган осмонларни, бу чексизлик ичида сон-саноксиз юлдузлару сайёралари бор бўлган осмонларни ҳам даҳрий – худосизлар яратганми?

Мушрикларга «Осмонни ким яратган?» деган савол берилса, «Аллоҳ», деб жавоб берар эканлар. Лекин ақийдаларида Аллоҳни инкор этадилар. Осмонга назар солиб, бу ўз-ўзидан бўлиб қолиши мумкин эмас, биз ҳам яратган эмасмиз, деган фикрни ўтказиб, «Буни Аллоҳ яратган», дейишга мажбур бўлишган. Бошқа вақтда эса Аллоҳни инкор этаверганлар. Ўзлари айтган гапга ўзлари ишонишмаган. Шунинг учун ҳам оятда «Йўқ, улар ишонмаслар», дейиляпти.

Аллоҳ таоло Ғошия сурасида қуйидагиларни айтади:

﴿اَلْ اِۤيۤوۤتَ عَفۤرَ فَيۤكۤءَاۤمُّسۤلٰلِ اِلٰى اِلۤوۤاۤتِ قَلۤحَ فَيۤكۤلۤبِ اِلٰى نُوۤرۤطٰنِىۤ اَلۤفَاۤ
اَلۤحٰطۤسۤ فَيۤكۤضۤرَّ اِلٰى اِلۤوۤاۤتِ بۤصۤنَ فَيۤكۤلۤلۤ اِلۤجۤلۤ﴾

«Туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтарилганига, тоғларнинг қандай ўрнаштирилганига ва ернинг қандай текислаб қўйилганига назар солмайдиларми?» (17-20-оятлар).

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло Ўз қудратини кўрсатиш учун инсонларга, хусусан кофирларга Ўзининг яратган нарсаларидан тўрттасига назар солиб кўришни тавсия қилмоқда:

1. Туянинг қандай яратилганига назар солмайдиларми?

Қуръон нозил бўлган пайтда одамларга энг яқин ҳайвон туя бўлган, шунинг учун уларнинг эътибори туяга тортиляпти. Ҳақиқатан ҳам, туя бир мўъжиза: унинг тузилиши қулоқ, бурун, кўз, оёқ, туёқлари саҳро учун мослашган. Шунинг учун ҳам уни араблар «саҳро кемаси» дейишади. Туя иссиқ ҳавода юришга мослашган, сув ичмай бир неча кунлаб юриши мумкин ва ҳоказо.

Энди «саҳро кемаси»нинг яратилишидаги баъзи бир ажойиботларга қисқача бўлса ҳам назар солайлик. Туянинг кўзлари бошининг юқори қисмига жойлашган бўлиб, ортга қараш имконини беради. Унинг қовоқлари эса қумни тўсишга мослашгандир. Шунингдек, туянинг бурун катаклари ва қулоқлари ҳам қум киришини тўсадиган жунлар билан жиҳозланган. Саҳрода шамол туриши билан туянинг тумшуклари ҳам, қулоқлари ҳам жисмига тортилиб, қумдан зарар кўрмайдиган ҳолатга келиб олади.

Туянинг туёқлари ҳам алоҳида шаклдаги суякларга кийгизилган гўшт ва теридан иборат қўлқоп бўлиб, қумда юк ортилган ҳолатда бундан бошқа тузилишдаги туёқ билан юриш мумкин эмас.

Туя саҳрода оч қолганда қуруқ ёғочни, ҳатто тиканни ҳам еб кетаверади.

Туянинг ўркачи ўзига хос озуқа омборидир. Агар туя саҳрода оч қолса, ўша ўркачидаги «омбор»дан озуқа олаверади.

Саҳрода энг зарурий нарса сув ҳисобланади. Туяни Аллоҳ таоло бу эҳтиёжга ҳам мослаб яратган. Аввало, туя тер чиқмайдиган қилиб яратилган. Яъни у жисмидаги сувни ўзида сақлаб туради. Қолаверса, туянинг бурни оғзига уланган. Шунинг учун унинг нафас олиши туфайли чиққан буғ ҳам яна оғзи орқали ичига қайтади. Шу билан бирга, туя бирдан кўп сув ичиб олиш қобилиятига эга. У олтмиш литргача сув ичиши мумкин. Бу эса унга саҳрода олти кундан ўн кунгача сув ичмай юриш имконини беради.

Ушбу зикр қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг, ўша туяни яратган Зотнинг қудратига далил эмасми?

Ҳа, туянинг ва ҳар бир жонзотнинг яратилишига ибрат назари билан, ақлини ишлатиб қараган инсон Аллоҳнинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

2. Ва осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига назар солмайдиларми?

Осмон ҳам ҳамма жойда барчанинг назари тушиб турадиган нарса. Лекин унинг улканлиги, ичидаги нарсаларнинг кўплиги, интизоми ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларига ибрат назари билан, ақлини ишлатиб қараган инсон Аллоҳнинг қудратига тан бермай иложи йўқ.

3. Ва тоғларнинг қандай ўрнаштирилганига назар солмайдиларми?

Тоғлар ҳам ўз салобати ила ҳамманинг назарига тушиб турадиган нарса. Уларнинг тузилиши, сир-асрори, ажойиботлари ҳам ақлини ишлатган, эътибор назари солганларни Аллоҳга иймон келтиришга ундайди.

4. Ва ернинг қандай қилиб текислаб қўйилганига назар солмайдиларми?

Ердаги ажойиботлар доимо ақлли кишиларни иймонга йўллаб келган. Ким эътибор назари билан қараса, кўп нарсани топади.

«Сунний ақийдалар» китобидан